

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МАМАСОЛИЕВ ИКРОМ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ**

**ҲОЗИРГИ НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ**  
**СТИЛИСТИК-ПРАГМАТИК ФУНКЦИЯЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Мамасолиев Икром Убайдуллаевич**

Ҳозирги немис тилида илова конструкцияларнинг стилистик-прагматик  
функциялари ..... 3

**Мамасолиев Икром Убайдуллаевич**

Стилистическо-прагматические функции просоединительных конструкций в  
современном немецком языке..... 27

**Mamasoliyev Ikrom Ubaydullayevich**

Stylistic and pragmatic functions of connecting structures in modern German ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МАМАСОЛИЕВ ИКРОМ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ**

**ҲОЗИРГИ НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ  
СТИЛИСТИК-ПРАГМАТИК ФУНКЦИЯЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1590 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdhti.uz](http://www.samdhti.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бегматов Мухтор Бегматович**  
филология фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Яхшиев Ашур Абдиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Рўзиев Яраш Бозорович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdhti.uz](mailto:info@samdhti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.М.Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ғ.Қ.Мирсанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

**Ш.С.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида илова конструкцияларнинг лингвистик моҳияти, уларнинг бадий матнда ифодаланиши билан боғлиқ стилистик-прагматик хусусиятлар ва уларнинг тузилишини аниқлаш масаласи тадқиқот ишларининг объекти бўлиб келмоқда. Илова ҳодисаси маълум даражада ўзининг тарихига эга бўлган грамматик ҳодиса ҳисобланади, у ҳар доим тилшунослик фани доирасида муҳим ва нисбатан кам ўрганилган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда илова ҳодисаси ва илова конструкциясининг кўплаб хусусиятлари, асосан грамматик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган, бироқ унинг структуравий, семантик, стилистик, прагматик, типологик, фонетик ва бошқа хусусиятлари бадий матн доирасида нисбатан кам ўрганилган. Тадқиқот объектига тизимли ёндашув асосида илова конструкцияни матн доирасида стилистик-прагматик таҳлил қилиш, улар маъносининг матнда ифодаланиш заруратининг юзага келиши мазкур тадқиқот ишининг долзарблигидан дарак беради.

Дунё тилшунослигида илова ҳодисаси, илова конструкцияларни ўрганиш, уларни таҳлил қилишга бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилаётганлигига қарамасдан, илова конструкциялар стилистик-прагматик маъносининг бадий матнда ёйилиш даражаси ва ифодаланиш усуллари билан боғлиқ муаммолар кўпгина тиллар материаллари асосида тўлиқ ва чуқур ўрганилмаган. Юқоридаги ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, бадий асарлардан олинган матнларда илова конструкция стилистик-прагматик маъносининг ифодаланиши тадқиқига зарурат туғилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун тилшуносликда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кенг миқёсда ислохотлар олиб борилди. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорида “Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали кадрларни жалб этиш, аҳолининг хорижий тилларга бўлган қизиқишини оширишга” доир қатор вазифалар белгиланди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда ҳам кенг қўламдаги тиллараро чоғиштирама изланишларга бўлган зарурат кучаяди. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳамма соҳаларида фаннинг ролини ошириш, мамлакатнинг илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш учун амалга оширилаётган ишлар хорижий тилларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни турли йўналишлар бўйича илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотлар ва изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бадий матнда илова конструкциялар стилистик-прагматик маъносининг намоён бўлишини тадқиқ қилиш ҳамда

уларни функционал-семантик таҳлил қилиш зарурати алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшунослик фанида илова ҳодисаси, илова конструкциялар масаласи узоқ вақт давомида бутун дунё тилшунослари эътиборини тортиб келган. Хусусан, немис тилшунослигида илова ҳодисаси Н. Altmann, Н. Brinkmann, W. Kindt, Н. Rieser, В. Sandig, W. Schmidt, W.Schneider, Н.Weinrich каби тадқиқотчиларнинг ишларида тадқиқ этилганлигини кўриш мумкин. Улар илова ҳодисасига гапнинг синтактик алоқаларининг айрим масалаларини муҳокама қилиш жараёнида тўхталиб, илова ҳодисаси, илова конструкцияси масаласини семантик ва грамматик маъно, прагматик мазмун доирасида тадқиқ қилишган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Altmann, Hans: Formen der „Herausstellung“ im Deutschen: Rechtsversetzung, Linksversetzung, freies Thema u. verwandte Konstruktionen. – Tübingen: Niemeyer, 1981. – 369 S., Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. Pädagogischer Verlag Schwann. – Düsseldorf, 1971. – 939 S., Kindt Walter, Rieser Hannes. Syntax- und Semantikkoordination im Dialog. Kognitionswissenschaft 8. Springer-Verlag, 1999. 8: – S. 123-128, Sandig,

Илова ҳодисасини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар МДХ мамлакатлари тилшунослари асарларида мазкур муаммони ўрганишнинг турли йўналишлари бўйича олиб борилган. Айниқса, рус тилида илова конструкциялари бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилди<sup>2</sup>. С.Е. Крючков иловали конструкция масаласини ҳам назарий, ҳам амалий томондан таҳлил қилган, Н.С.Поспелов асосий қисм ва иловали элементларни “мураккаб синтактик бутунлик” деб атайди, Т.Л.Ваулина газета тилида илова конструкцияларнинг структурал, семантик ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилган<sup>3</sup>, бошқалари эса уларнинг тузилиши, бажариб келаётган вазифалари, илова алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий матнларда стилистик жиҳатдан қўлланиши каби масалалар<sup>4</sup> бўйича фикр-мулоҳазалар билдирган.

Ўзбек тилшуносларидан илова ҳодисаси, илова конструкциялар муаммолари бўйича Б.Т.Турсунов, Б.М.Ахмедова, М.Бегматовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган<sup>5</sup>. Улар ўз тадқиқот ишларида илова ҳодисасини синтактик алоқанинг алоҳида тури эканлигини кўрсатиб, немис ёзувчиси Л.Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси, иккинчи даражали бўлақлар (тўлдирувчилар) орқали ифодаланган иловали элементларнинг вазифалари, илова конструкцияларнинг ҳозирги замон немис бадиий адабиётида стилистик жиҳатдан қўлланиши масалаларини маълум даражада тадқиқ қилишган. Тилшуносликда мазкур соҳада олиб борилган юқорида тилга олинган тадқиқотлар сўзсиз илова ҳодисаси муаммоларини ечишга маълум даражада ҳисса қўшган. Ушбу мулоҳазалар бизга илова конструкция стилистик-прагматик маъносининг бадиий матнда ифодаланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини берди.

---

Barbara. Zur historischen Kontinuität normativ diskriminierter syntaktischer Muster in spontaner Sprechsprache. Deutsche Sprache 1, 3. – Berlin, 1973. – S. 37–57., Schmidt W. Deutsche Sprachkunde. – Berlin/Volk und Wissen, 1968. – 3561 S., Schneider W. Stilistische deutsche Grammatik. – Freiburg – Basel – Wien, 1960. – S. 383-389, Weinrich H. Textgrammatik der deutschen Sprache. – Mannheim: Dudenverlag, 1993. – 1111 S.

<sup>2</sup> Грамматика русского языка. Т. 2. Синтаксис. Ч. I. Виноградов В.В., Истрина Е.С. (редакторы). – М.: Наука, 1960. – 702 с.; Щерба Л.В. О частях речи в русском языке // Языковая система и речевая деятельность. М.: Наука, 1974. С. 77–100; Ваулина Т.Л. Роль лексического повтора в присоединительных конструкциях. Наука – вуз – школа. Сб. научн. труд. молодых исследователей. – Магнитогорск: МаГУ, 2010. – Вып. 15. – С. 182-186.; Гаврилова В.В. Присоединительные конструкции и их стилистическое использование в произведениях современной немецкой художественной литературы: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Л., 1969. – 21 с.

<sup>3</sup> Крючков С.Е. О присоединительных связях в современном русском языке // Вопросы синтаксиса современного русского языка. Учпедгиз. – М., 1950. – 400 с.; Поспелов Н.С. Сложное синтаксическое целое и основные особенности его структуры // Доклады и сообщения Института русского языка. – М., 1948. Вып. 2. – С. 68; Ваулина Т.Л. Роль лексического повтора в присоединительных конструкциях. Наука – вуз – школа. Сб. научн. труд. молодых исследователей. – Магнитогорск: МаГУ, 2010. – Вып. 15. – С. 182-186.

<sup>4</sup> Величук А.П. О специфике присоединительной связи в современном русском языке (сочинение и присоединение): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1961. – 16 с.; Гайбова М.Т. Присоединительные конструкции и их стилистические функции в художественной прозе (на материале английского языка). АКД. – М., 1973. – 21 с.; Бурак Л.И. Присоединение в современном белорусском литературном языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Минск, 1979. – 36 с.

<sup>5</sup> Турсунов Б.Т. Присоединение как особый тип синтаксической связи: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – СПб., 1993. – С. 36; Ахмедова Б.М. Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси. Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд 1998 й. – 187 б.; Бегматов М. Тўдирувчилар билан ифодаланган иловали элементларнинг вазифалари. Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1999. – 145 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Замонавий тилшуносликнинг янги йуналишлари” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** немис ёзувчиларининг бадиий асарларидан олинган матнларда илова конструкция стилистик-прагматик вазифаларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш ҳамда матннинг лингвистик таҳлили нуқтаи назаридан тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

иловали элементлар гапнинг прагматик мазмунини кенгайтириб, узатилаётган ахборотга нисбатан тингловчининг эътиборини жалб этувчи ҳамда фикрни конкретлаштирувчи омил эканлигини аниқлаш;

илова конструкцияда бадиий тасвир воситаларининг иловали элемент сифатида тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳақида китобхонга тўлиқ маълумот берувчи, ҳодиса моҳиятини теран англаш ва фаҳмлаш учун қўлланилиб, унинг фикр-хаёлига ҳиссий таъсир этувчи эмоционал-экспрессив хусусиятларини очиб бериш;

ҳозирги замон немис тили илова конструкциясидаги иловали элементлар таркибига хос бўлган лексик-семантик компонентларнинг тил бирликлари ёрдамида намоён бўладиган матннинг мантиқий мазмунини китобхон онгига етказиб берувчи стилистик-прагматик хусусиятлари мавжудлигини далиллаш;

илова конструкция таркибидаги нутқий бирликлар коммуникатив-прагматик маъносининг мулоқот мақсадларига эришиш воситаси сифатида фикрнинг мазмун-моҳияти ва асосий вазифаларини тушуниш имконини бериши сабабли функционал-семантик нуқтаи назардан тавсифланишини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** немис тили бадиий асарлари матнларида қўлланган илова конструкция таркибидаги иловали элементлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бадиий матндаги илова конструкцияларнинг стилистик-прагматик хусусиятлари ташкил қилади

**Тадқиқотнинг методлари** сифатида ишда компонент таҳлил, таснифий таҳлил, структур таҳлил, шунингдек, лингвистик тасвирлаш ва статистик методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иловали элементлар гапнинг прагматик мазмунини кенгайтириб, узатилаётган ахборотга нисбатан тингловчининг эътиборини жалб этувчи ҳамда фикрни конкретлаштирувчи омил эканлиги аниқланган;

илова конструкцияда бадиий тасвир воситаларининг иловали элемент сифатида тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳақида китобхонга тўлиқ маълумот берувчи, ҳодиса моҳиятини теран англаш ва фаҳмлаш учун қўлланилиб, унинг фикр-хаёлига ҳиссий таъсир этувчи эмоционал-экспрессив хусусиятлари очиб берилган;

ҳозирги замон немис тили илова конструкциясидаги иловали элементлар таркибига хос бўлган лексик-семантик компонентларнинг тил бирликлари ёрдамида намоён бўладиган матннинг мантикий мазмунини китобхон онгига етказиб берувчи стилистик-прагматик хусусиятлари мавжудлиги далилланган;

илова конструкция таркибидаги нутқий бирликлар коммуникатив-прагматик маъносининг мулоқот мақсадларига эришиш воситаси сифатида фикрнинг мазмун-моҳияти ва асосий вазифаларини тушуниш имконини бериши сабабли функционал-семантик нуқтаи назардан тавсифланиши исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Илова конструкциянинг таҳлили асосида иловали элементларнинг стилистик жиҳатдан турлари ва хусусиятлари аниқланган, таҳлилга тортилган лисоний бирликлар стилистик маъносининг бадиий асарлар матнларида қўлланиш даражаси кўрсатиб берилган.

Илова конструкциядаги иловали элементларнинг лексик таркибига хос бўлган хусусиятлари аниқланган ва уларнинг стилистик-прагматик вазифалари ўрганилган, илова конструкциянинг стилистик-прагматик хусусиятлари билан боғлиқ томонлари ҳамда вазифалари тилшунослик, назарий ва амалий грамматика, лексикология каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг такомиллашувига ёрдам бериши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий қарашлар, таҳлил усуллари, мавжуд назариялар ва лингвистик ёндашувларнинг қўлланганлиги, таҳлил қилинган кенг қўламдаги фактик материал ва олиб борилган тадқиқот натижаларининг диссертация ишидаги назарий ҳолатларга мослиги, таҳлил ва тадқиқот натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқот хулосаларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти бадиий матн доирасида амалга оширилган таҳлиллар асосида олинган илмий натижалардан илова конструкция компонентларини стилистик-прагматик тадқиқ қилишнинг кейинги тараққиётида ҳамда ушбу соҳада олиб бориладиган бошқа илмий изланишларда қўлланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса олий ўқув юртларида тилшуносликнинг “Назарий ва амалий грамматика”, “Лексикология”, “Назарий грамматиканинг долзарб муаммолари” каби соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда замонавий лингвистика, лингвистик таҳлил методлари каби махсус курсларни ўқитишда, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулосалар, ишланма ҳамда таклифлар асосида:

иловали элементлар гапнинг прагматик мазмунини кенгайтириб, узатилаётган ахборотга нисбатан тингловчининг эътиборини жалб этувчи ҳамда фикрни конкретлаштирувчи омил эканлиги ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг I-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 11 декабрдаги 3357/30.02.01-рақамли маълумотномаси). Натижада “Матннинг филологик таҳлили”, “Бадиий матннинг концептологик таҳлили”, “Ўрганилаётган тил назарий аспекти”, “Ўқиш ва ёзиш кўникмалари” фанларидан талабаларга немис тилидаги илова конструкцияларнинг ифодаланиш усулларини татбиқ қилиш орқали прагматик нуқтаи назардан такомиллаштиришга хизмат қилган;

илова конструкцияда бадиий тасвир воситаларининг иловали элемент сифатида тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳақида китобхонга тўлиқ маълумот берувчи, ҳодиса моҳиятини теран англаш ва фаҳмлаш учун қўлланилиб, унинг фикр-хаёлига ҳиссий таъсир этувчи эмоционал-экспрессив хусусиятларини очиб беришга доир мулоҳазалардан 2017-2020 йилларда амалга оширилган Европа Иттифоқининг Erasmus+ 585845 EPP-1-2017-ES-EPPKA2-CBHE-JP “CLASS: Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian universities” (CLASS: “Марказий Осиё Университетларида компьютер лингвистикаси бўйича магистратура дастурини ишлаб чиқиш”) номли инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 28 декабрдаги 3479/30.02.01-рақамли маълумотномаси). Натижада ўқитувчи ва талабаларнинг тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ва компьютер лингвистикаси борасидаги билимларини ошириш ҳамда тил тизими билан боғлиқ муаммоларнинг амалий ечимига қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар, шунингдек, матнларни таҳрирлаш, компьютер таржимаси, электрон луғатларини яратиш учун мўлжалланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

илова конструкция таркибидаги нутқий бирликлар коммуникатив-прагматик маъносининг мулоқот мақсадларига эришиш воситаси сифатида фикрнинг мазмун-моҳияти ва асосий вазифаларини тушуниш имконини бериши сабабли функционал-семантик нуқтаи назардан тавсифланиши ҳақидаги хулосалардан Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг А-1-057- рақамли “Олий таълим муассасалари талабаларини модулли ўқитишда педагогларни компетентли тайёрлашнинг психологик-педагогик асослари” мавзусидаги амалий давлат гранти тадқиқотида фойдаланилган (Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг 2021 йил 15 декабрдаги 724/01.01-рақамли маълумотномаси). Натижада олий ўқув юртларида илова конструкцияларнинг тил тизимида тутган ўрни ва илова ҳодисаси билан

бевосита боғлиқ бўлган ташқи ва ички қонуниятларни параллел ўрганишдаги ўзига хослигини белгилаш тўғрисидаги маълумотлар тилшуносликда илова ҳодисасининг илмий-назарий асосларига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан боғлиқ ассоциатив экспериментлар, сўровномалар ўтказиш имконини берган;

ҳозирги замон немис тили илова конструкциясидаги иловали элементлар таркибига хос бўлган лексик-семантик компонентларнинг тил бирликлари ёрдамида намоён бўладиган матннинг мантикий мазмунини китобхон онгига етказиб берувчи стилистик-прагматик хусусиятлари мавжудлиги хусусидаги хулоса ва ечимлардан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг “Садоқат” ижодий тўғараги фаолиятида илова конструкциялари стилистик-прагматик функцияларининг ифодаланишини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 18 январдаги 07-рақамли маълумотномаси). Натижада илова конструкциялар нутққа ўзига хос маъно ва экспрессив-стилистик тус бериши, ифоданинг айрим қисмларига катта маъно ва эмоционал вазифа юклаши, муаллиф фикрини ривожлантириши ва чуқурлаштириши, уни китобхонга экспрессивликни юқори даражада етказиш мақсадида яратилиши, диалог, монолог кўринишларида сўзлашув нутқининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши, китобхоннинг эътиборини тортишга, шу билан бирга ифоданинг тўлиқроқ, таъсирчан, эмоционал туйғуларга бой бўлишини таъминлашга қаратилиши, тингловчи билан жонли мулоқот атмосферасини яратиш, прагматик таъсирни кучайтириш, шунингдек, муаллиф фикрини ифодалаш учун хизмат қилиши, прагматик нуқтаи назардан, тилда қўшимча хабарни таъкидлаш, эмоционал-экспрессив, характерологик ва баҳоловчи функцияларни бажариш ҳақидаги илмий хулосалар илмий изланиш олиб бораётган тилшунослар ва адабиётшунослар учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 3 та хорижий, республика журналларида 3 та илмий иш эълон қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, саккиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий жами 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда илова конструкциялари муаммоси”** деб номланган биринчи бобида жаҳон ва герман тилшунослигида илова ҳодисаси муаммосининг, илова конструкцияларининг ўрганилиши ва тадқиқи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Тилшуносликда энг муҳим долзарб масалалардан бири иловали конструкция масаласи бўлиб қолмоқда. Мазкур масала назарий томондан, даставвал рус тилшунослигида кўрилган. Рус тилшунослигида иловали конструкция масаласи ўрганила бошлаганига анча бўлди. Бу соҳада В.В.Виноградов, Е.С.Истрина муҳарририлигида чоп этилган **“Грамматика русского языка”**<sup>6</sup> дарслигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Иловали конструкция тўғрисидаги масала ҳам назарий, ҳам амалий томондан биринчи марта С.Е. Крючковнинг **“О присоединительных связях в современном русском языке”**<sup>7</sup> мақоласида таҳлил қилинди. Иловали конструкциялар оғзаки нутқ синтаксисини ёзма манбаидаги кўринишидир. Иловали конструкциялар тўғрисидаги масалани рус тилшунослигида бошқа, бир қатор олимларнинг монографик асарларида, катта илмий асарларида ва мақолаларида учратиш мумкин. Академик В.В.Виноградовнинг **“Стиль Пушкина”**<sup>8</sup>, Н.С. Поспеловнинг **“Синтаксический строй стихотворных произведений А.С. Пушкина”**<sup>9</sup>, Л.В.Щербанинг **“О частях речи в русском языке”**<sup>10</sup> каби асарларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда иловали конструкциялар фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ёритиб берилган. Юқорида баён қилинган **“Иловали конструкциялар”** тўғрисидаги фикрлар илмий, назарий аҳамиятга эга бўлиб, бошқа тилшунослик фанларининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Иловали конструкциялар **“одатдагидан ташқари тартибга эга бўлган алоқалар бўлиб, бу унинг ташқи белгиси ҳисобланади. Функционал жиҳатдан эътибори билан эса улар сўзловчининг нутқидаги содда услубни, унинг оғзаки сўзлашувига хос хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли бундай конструкцияларни текширишда уларга кўпроқ стилистика фани нуктаи назаридан ёндашиб иш кўришга тўғри келади.**

Иловали конструкцияларнинг хусусиятларини изоҳлашда энг олдин

<sup>6</sup> Грамматика русского языка. Т. 2. Синтаксис. Ч. I. Виноградов В.В., Истрина Е.С. (редакторы). – М.: Наука, 1960. – 702 с.

<sup>7</sup> Крючков С.Е. О присоединительных связях в современном русском языке // Вопросы синтаксиса современного русского языка. – М., 1950. – С. 397-411.

<sup>8</sup> Виноградов В. В. Стиль Пушкина. – М.: Гос. изд-во худож. лит., 1941. – 620 с.

<sup>9</sup> Поспелов Николай Семенович. Синтаксический строй стихотворных произведений Пушкина / Ин-т русского языка. – Москва, 1960. – 249 с.

<sup>10</sup> Щерба Л. В. О частях речи в русском языке (1929) // Избранные работы по русскому языку. – М., 1957. – С. 63–84.

уларнинг нутқдаги ўрни ва вазифасини аниқлаш лозим. Сўнгра бундай алоқаларнинг структураси, ундаги қисмларнинг ўзаро муносабати ва грамматикада тутган ўрни белгиланиши лозим. Бундай конструкциялар бирор стилистик вазифаларни бажаришга қаратилган бўлишидан ташқари, синтактик жиҳатдан ҳам ўз изоҳига эга бўлиши керак ва амалий томондан уларни қандай тушуниш лозимлиги конкретлаштирилиши лозим.

Ҳозирги замон немис адабий тилида ҳам гапнинг иловали элементларидан айрим турларига алоҳида аҳамият берилган, яъни махсус (илмий ишларнинг мавзуси қилиб) ўрганилган. Ана шундай маълум даражада ўрганилган гапнинг иловали элементларига аниқловчили, ҳолли, сифатдошли иловали элементларни киритиш мумкин. Бундай хулосаларнинг тасдиғи сифатида баъзи бир тилшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларини бу ерда келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз. Масалан, Г.В.Колшанский иловали элементларнинг грамматик вазифаларини рус ва немис тиллари материалларида ўрганиб шундай ёзади: “Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, илова ҳодисаси кенгроқ маънода, ажратилган иккинчи даражали бўлақлар торроқ маънода, ғарбий тилшунослик фанида ҳам ҳозирги кунгача ўз ечимига эга бўлмаган. Улар гапнинг иловали элементлари деганда, кўпинча, иккинчи даражали предикацияни, эркинроқ характерга эга бўлган изоҳли иловали элементларни тушунади”<sup>11</sup>. Колшанский ғарб тилшунослари тўғрисида келтирган бундай фикрлари бироз вақт ўтгандан сўнг яна бир германшунос олимнинг илмий-тадқиқот ишида такрорланади. Л.Ю.Нестерова немис тили материаллари асосида атрибутивли иловали элементларнинг интонациясини ўрганиш жараёнида шундай фикрга келади: “Немис тилида ушбу тилга оид илмий-тадқиқот асарларида илова ҳодисасини, айниқса уларнинг интонациясини ўрганишга бағишланган махсус изланишлар йўқ. Жумладан, немис тилшуносларининг илмий-тадқиқот ишларида ҳам иловали элементлардан фақат изоҳловчили иловали элементларни ўрганишга бағишлаб ёзилган айрим мақолаларни учратиш мумкин холос”<sup>12</sup>.

Илова ҳодисасига бағишланган илмий ишлар билан танишар эканмиз, нафақат илова ҳодисасини, балки унинг айрим структуравий гуруҳларининг матн доирасида ёйилиш даражаси тўғрисидаги фикрлар ҳам ҳар хил эканлигига дуч келамиз. Жумладан, Л.В.Зиндер ва Т.В.Строевалар томонидан 1957 йилда чоп этилган “Современный немецкий язык” номли монографияда илова ҳодисаси тўғрисида қуйидагича фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин: “Юқорида таъкидлаганимиздек, тўлдирувчилар (воситали ва воситасиз) бошқа иккинчи даражали бўлақларга нисбатан гапнинг иловали элементлари вазифасида камдан-кам учрайди”<sup>13</sup>. Худди шундай фикрни биз германшунос олим О.И.Бродовичнинг илова ҳодисасини ўрганишга

<sup>11</sup> Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. 3-е изд. – М.: Издательство ЛКИ, 2007. – 176 с.

<sup>12</sup> Нестерова Л.Ю. Структурно-семантические и функциональные свойства фразеологизмов предикативной семантики: Автореф. дисс... канд. филол. наук/Л.Ю. Нестерова. – Челябинск, 1999. – 24 с.

<sup>13</sup> Зиндер Л. Р., Строева Т. В. Современный немецкий язык. М., 1957. – 240 с.

бағишлаб ёзган илмий ишида ҳам учратамиз. Масалан, О.И.Бродович илова ҳодисасини немис тили материаллари асосида ўрганиб, шундай хулосага келади: “Тўлдирувчилар немис тилида камдан-кам ҳолларда иловали элементлар вазифасида ифодаланади”<sup>14</sup>. Л.Р.Зиндер, Т.В.Строева ва О.И.Бродовичларнинг “тўлдирувчилар иловали элементлар вазифасида камдан-кам учраши мумкин”, деган фикрлари бошқа бир илмий-тадқиқот ишида бошқача таърифланади. Масалан, Е.С.Скобликова илова ҳодисасини ҳозирги замон рус тили материаллари асосида ўрганиб, шундай ёзади: “Тўлдирувчилар гап таркибида бошқа гап бўлақларига нисбатан тез-тез қўлланилиши ва бош гап бўлақлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли иловали элементлар вазифасида кела олмайди”<sup>15</sup>. Энг қизиғи шуки, агарда Е.С.Скобликова Е.В.Кротевичнинг “Обособление второстепенных членов предложения в современном немецком языке”<sup>16</sup> номли монографияси билан таниш бўлганда эди, шундай хулосага келмаган бўлар эди. Е.В.Кротевичнинг ушбу монографиясида ҳам тўлдирувчили иловали элементларга кенг ўрин берилган.

Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Е.В.Гулыга ва М.Д.Натансонларнинг ҳаммуаллифликда чоп этган “Syntax der deutschen Gegenwartssprache”<sup>17</sup> номли монографиясидан қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни лозим, деб топамиз: монографияда иловали элементлар қуйидагича структуравий гуруҳларга ажратилади: эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлар, сифатдошли бирикмалар, инфинитивли гуруҳлар, инфинитивли боғловчили гуруҳлар. Ушбу ажратилган бўлақли гуруҳлардан аниқловчили, ҳолли, изоҳли ва сифатдошли гуруҳлар маълум даражада ўрганилган; эга, кесим ва тўлдирувчи шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлар бирон-бир илмий-тадқиқотнинг текшириш объектига айланмаган.

Демак, илова ҳодисасини ўрганишга бағишлаб яратилган илмий-тадқиқот асарлар билан танишиш, уларда баён қилинган тилшунос олимлар фикр-мулоҳазаларини синчковлик билан атрофлича ўрганиш, биз танлаган мавзу ҳозирги кунгача тўлиғича ўрганилмаган долзарб мавзулардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Маълум синтактик гуруҳлар (бу гуруҳлар содда гап шаклида бўладими, сўз ёки сўз бирикмаларидан иборат бўладими, бундан қатъий назар) ўзида ифода қилинган мазмунга илова тарзида айтилган қўшимча қисмни бириктиради. Натижада бир умумий фикрни англатадиган алоқалар юзага келади. Иловали конструкциянинг умумий кўриниши ва айрим хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги мисолни келтирамиз.

Und damit sollte nicht nur gesagt sein, daß Gottlieb sich zu allen, die auf

<sup>14</sup> Бродович О. И. Обособление компонентов предложений. В кн.: Структурный синтаксис английского языка. – Л., 1972. – С. 65-68.

<sup>15</sup> Скобликова Е. С. Современный русский язык. Синтаксис сложного предложения (теоретический курс): учеб. Пособие / Е. С. Скобликова. - 3-е изд., испр. И доп. – М.: Флинта: Наука, 2006. – 264 с.

<sup>16</sup> Кротевич Е.В. Обособление второстепенных членов предложения в современном русском языке. – Алма-Ата. 1941. – 72 с.

<sup>17</sup> Guliga E. W., Nathanson M.D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Просвещение, 1966. – 226 с.

Pramkes Seite standen. Zu den Roten. (Brunns Marianne. Die Lichtung. S. 79).

Бу иловали конструкция икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – асосий қисм, иккинчиси – иловали қисм. Сўзловчининг асосий фикри “*Und damit sollte nicht nur gesagt sein, daß Gottlieb sich zu allen, die auf Pramkes Seite standen*” қисмида баён қилинган. Шуни ҳам қайд этиш мумкинки, иловали қисм асосий қисмнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келади. Шунинг учун ҳам илова қилинган сўнги қисм, мисолдаги олдинги фикрга қўшимча изоҳ келтириб, у қиз билан бирга кетишга истак билдирган кишиларни аниқлаб келади. Яъни, иловали элемент “*Zu allen*” асосий қисмнинг аниқ бир бўлагини, яъни “*allen*” сўзини конкретлаштириб келади. Агар юқорида келтирилган бир бутун илова конструкция, оддий конструкция ёрдамида берилганда эди, у ҳолда бу конструкция таркибидан бирон-бир муҳим маънога эга бўлган бўлакни ажратиш қийинроқ бўлар эди.

Немис тилшунослари томонидан илова ҳодисаси муаммоси махсус ўрганилмаган. Улар илова ҳодисасига гапнинг синтактик алоқаларининг айрим масалаларини муҳокама қилиш жараёнида тўхталиб ўтадилар. Жумладан, тилшунос Барбара Сандиг илова тушунчасини “гапнинг эллиптик шакли” сифатида таърифлайди<sup>18</sup>, Ханс Альтманн эса илова конструкцияларни “гапга урғу бериш шакли”, яъни таъкидлаш шакли сифатида таърифлаб, илова конструкциялар анча аниқ фикрлардан таркиб топиши, унда бевосита олдин қўшилган ёки у мавжуд бўлган гап икки ҳисса ортиши ёки боғловчилар орқали боғланиши, иккинчи гап ҳар доим қўшимча элемент сифатида иловани ўз ичига олиши ҳақида фикр билдиради<sup>19</sup>. Айрим муаллифлар мустақил гаплар ўртасидаги синтактик алоқанинг мавжудлиги имкониятини қайд қилиб, боғланиш кетма-кетлигининг синтактик бирикишига хизмат қилувчи муҳим ностандарт конструкциялар сифатида таърифлайди. Шнайдернинг фикрича, илова ҳодисаси – олдин билдирилган фикрни нафақат синтактик жиҳатдан, балки мазмун нуқтаи назаридан ҳам тўлиқ деб ҳисоблаш мумкин бўлган ҳолларда қўлланиши мумкин<sup>20</sup>.

Биз илова ҳодисасини синтактик алоқанинг ўзига хос алоҳида тури сифатида тан олган тилшунослар фикрига қўшилаемиз. Уларнинг фикрича, илова конструкцияси боғланиш ва эргашишнинг бир кўриниши ҳисобланмайди, у синтактик алоқанинг мустақил кўринишидир. Шунга қарамай илова конструкциялар фақат уларга хос бўлган грамматик шаклга эга эмас. Улар боғланиш ва эргашишнинг грамматик шакллари сифатида қўлланилади, лекин уларни янги мазмун билан тўлдиради, аниқлаб келади.

Ушбу ҳодисани немис бадий адабиётидан олинган мисолларда кўриб чиқамиз.

1. Илова конструкция тўлиқсиз гапнинг тури сифатида:

Durch den Schleier des Kalkstaubes starrten schreckverzerrte Gesichter.

<sup>18</sup> Sandig, Barbara Zur historischen Kontinuität normativ diskriminierter syntaktischer Muster in spontaner Sprechsprache. Deutsche Sprache 1, 3. – Berlin, 1973. – S. 37-57.

<sup>19</sup> Altmann, Hans: Formen der „Herausstellung“ im Deutschen: Rechtsversetzung, Linksversetzung, freies Thema u. verwandte Konstruktionen. - Tübingen: Niemeyer, 1981. – S. 369.

<sup>20</sup> Schneider W. Stilistische deutsche Grammatik. – Freiburg – Basel – Wien, 1960. – 522 S.

*Schwerste Luftminen* (Bredel Willi. Der erste Schuß am Tage der Schlacht. S. 77).

2. Эргаш гапли шаклга мос келувчи илова конструкция (тобе бирикиш (боғланиш)). Масалан:

Er fühlte, wie sein Körper schläft und ohne Spannung war. *Als habe man ihm sämtliche Sehnen durchschnitten.* (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 116).

Ушбу мисолда илова конструкция *Als habe man ihm sämtliche Sehnen durchschnitten* асосий ифодадаги [гапдаги] фикрнинг давоми ҳисобланади, содда гапга қўшимча предикативлик олиб киради ва фикрнинг мантикий тугалланганлигини билдириб келади.

1. Тенг боғловчили илова конструкциялар [тенг боғланиш]. Масалан:

“Ach, Arrestanten haben wir, Genosse Kommandant!” *Sechs Soldaten. Und zwei Offiziere* (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 272).

2. Боғловчисиз илова конструкциялар. Масалан:

“Du hast wirklich einen herrlichen Platz gewählt. *Eine wunderbare Lage*”. (Hode Gunter. Roter Schnee. S. 388).

Энди биринчи турдаги илова конструкцияларга тўхталиб ўтамиз. Тўлиқсиз иловали гаплар – бу илова конструкциялар доирасида анча кўп сонли ва ўзининг структурасига кўра хилма-хил бўлган гуруҳдир. Улар маъносини кенгайтирадиган гапнинг структур давоми ва тугалланишидир. Тўлиқсиз иловали гаплар қуйидаги структур-семантик турларга ажратилади:

1. Эга иштирок этган тўлиқсиз гаплар асосий [бош] бўлак сифатида:

“Wer hat gestern die Seite fünf gemacht? fragte Felizitas”. “*Anette. So, Anette...*” (Thurk Harry. Der Tod und der Regen. S. 25).

Илова конструкциянинг семантик-стилистик вазифаси бу ҳолатда, шубҳасиз, асосий гапнинг эгасини алоҳида таъкидлашни ажратиб кўрсатишга шу тарзда кўмаклашадики, яъни бунда эга илова конструкцияда ажралиб туради ва такрорланади, қўшимча предикативликни киритади, олдинги содда гапни кенгайтиради ва мураккаб типдаги яхлит шаклланган синтактик конструкция ҳисобланади.

Илова конструкция таркибидаги эга, шунингдек, асосий гапнинг эгасини аниқлаб келади. Масалан:

Ganz deutlich ist es zu spüren. *Ein unheimliches Gefühl* (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 147).

Илова конструкция таркибидаги эга нафақат асосий гапнинг эгасини таъкидлаб ва аниқлаб келиши мумкин, у, шунингдек, эгани семантик ва структур жихатдан кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Der erste Besuch, für den er ernsthaft Vorbereitungen trifft. *Kaffee ist da. Zigaretten.* Raucht sie denn? Das weiß er nicht. Eine Kleinigkeit zu essen. *Wurst und Käse.* (Herbert Otto. Zum Beispiel Josef. S. 175).

2. Кесим иштирок этган тўлиқсиз гаплар асосий (бош) бўлак сифатида:

Sie warteten auf Franklin, und daß sie gemeinsam warteten, war Freude. *Auch Pierre wartete* (Willi Bredel. Die Söhne. S. 150).

Немис тилида асосий сўз кесим *Auch Pierre wartete*.

Шу билан бирга кесим тўлдирувчи ва ҳол ҳисобига кенгайтиши мумкин. Масалан:

Das ist die Hoffnung, die in Leths Schicksal liegt. Darum zeichnete ich seine Geschichte auf (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 129).

Ўзининг шаклланишига кўра илова конструкциянинг кесими асосий гапнинг кесимидан фарқ қилиши мумкин. Масалан:

Gil und Termon *kleideten sich an*. Dann *setzten* sie ihren Weg *fort* (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 150).

Мураккаб таркибли кесимнинг от бўлагини асосий гапдаги кесимнинг от бўлаги билан бир хил бўлган илова конструкцияларга ажратиш кенг тарқалган. Масалан:

Sie war glücklich am Leben. Und sehr jung und fröhlich (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 219).

М.Я.Блох “Бирикувчи қисмлар бирикадиган бўлақлар билан нафақат хилма-хил бўлмаган, балки аксинча бевосита уларнинг мантиқий давоми” бўлган боғланишни воситасиз [тўғридан-тўғри] бирикиш, яъни илова ҳодисаси деб атайди<sup>21</sup>.

Илова конструкцияда мураккаб от-кесимнинг битта эмас, балки иккита қисми ажралиб туради, уларнинг ҳар бири бош гапга нисбатан асосий ифодага қўшимча предикативлик ҳосил қилган ҳолда содда гапни структур ва семантик мураккаблаштириб, қўшимча маъно ва аниқлик киритади. Масалан:

In den letzten drei Jahrzehnten *hatte* er Bebel oft *gesehen* und *reden hören*, doch den heutigen Tag *empfand* er als besonders *festlich*. Vor dreißig Jahren *fühlte* er *sich* so ... (Flegel Walter. Ein Katzensprung. S. 133).

Илова конструкция вазифасида феъл-кесимнинг қисми қўлланилиши мумкин. Масалан:

Nun, es wurde ein Protokoll aufgenommen, und ich unterzeichnete es. Die Sache erledigt. Für mich, nicht fürs Dorf gemacht. (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 233).

Синтактик сатҳда илова ҳодисасини гапнинг грамматик структураси ва семантик мазмунини гапдан ташқарида синтактик кучайтириш услубларидан бири сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Тил материални тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, иловали компонент сифатида турли синтактик вазифаларни бажарган ҳолда гапнинг иккинчи даражали бўлақлари намоён бўлиши мумкин. Энг аввало уларга аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол таллуқлидир.

Воситасиз тўлдирувчи илова конструкцияда ажратиб кўрсатилиши мумкин. Масалан:

Sie dürften mir einen Whisky dafür Kaufen. *Ihm auch. Einen alten Bekannten von mir* (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 144).

---

<sup>21</sup> Блох М.Я. К проблеме присоединительных связей предложений (на материале русского и английского языков) // Вопросы грамматики английского языка. Уч. зап. МГПИ. 1969. № 367. – С. 40.

Илова асосида бирикувчи воситасиз тўлдирувчи ҳикоянинг қандайдир тафсилотини таъкидлаб кўрсатиши мумкин. Иловали тўлдирувчи ва асосий гапнинг боғланиши ўтимли феъл ҳисобланган боғловчи сўз орқали амалга оширилади. Масалан:

“Sie haben geschlafen”, -antwortet der Arzt. “*Und drei Tage künstlicher Tiefschlaf*” (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 116).

Кўпинча предлоғли тўлдирувчи орқали бирикади. Масалан:

Kaum hatte Bert das gesagt, fuhr Vater Mummert seine Frau an. “Da hast du’s! *Doch nur gegen den Kaiser*” (Bredel Willi. Erzählungen I. S. 44).

Илова конструкция вазифасида асосий гапнинг айрим бўлақларини алоҳида ажратиб кўрсатишга кўмаклашадиган ва гапни мураккаблаштирувчи конструкция ҳисобланган иккита предлоғли тўлдирувчи қўлланилиши мумкин. Масалан:

Wir werden nach Poissy fahren, Marie – Elisabeth, oder nach Corbeil. Für einigen Wochen, nur für einige Tage. (Reinowski Werner. Zwei Brüder. S. 15).

Ҳар доим ҳам илова конструкцияга тегишли бўлган предлоғ кўмакчили тўлдирувчи таркибида қўлланилавермайди. Баъзан у асосий гапда қўлланилмайди ва унинг ўзи илова конструкция ва асосий гапнинг боғловчи бўлағи ҳисобланади. Илова конструкцияда ҳолнинг ҳар хил турлари ажратиб кўрсатилиши мумкин, айниқса: пайт, ўрин, мақсад, ҳаракат тарзи, миқдор, даража ҳоллари ва б. Масалан:

“Wo ist der Anfang, Bürgerin?”

“Anfang? Nein, erwiderte die Alte, deren Kinn lautlos auf und niederging”, durch einen Torweg geht es. Im Keller sind sie. *Auf dem Hinterhof. Dort, durch den Torweg.* (Horig Ursula. Palermo und die himmelblauen Hoschen. S. 199).

Асосий гапга ҳар бири асосий гапнинг қайсидир бўлагини аниқлаб келадиган бир қатор илова вазифасидаги пайт ҳоллари боғланиши мумкин. Масалан:

“Ich weiß”, sagte Josef. Ich hab‘ Sie gesehen. *In diesem Auto. Am Nachmittag.* (Bredel Willi. Die Söhne. S. 79).

Баъзан илова вазифасидаги пайт ҳоли тасдиқ белгисига ҳам эга бўлади. Масалан:

Er schaut wieder zur Bildwand. “Wann werden wir starten?” *In vier Stunden, ja, in vier Stunden* (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 79).

Худди пайт ҳоли каби ўринҳоли ҳам илова конструкциянинг маълум қисмини аниқлаб келади. Ушбу ҳодисани немис тили мисолида кўриб ўтамиз.

“Du darfst hier nicht bleiben, Freund”, sagt Jeboth. Sie werden *überall nach dir suchen. Auch am See.* (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 175).

Келтирилган мисолда биринчи гап эллипсис, яъни сўз ёки гап бўлагининг гапда тушиб қолиши сифатида, иккинчи бўлақ эса биринчи бўлақдаги ахборотни тўлдириб илова ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот ишининг “**Илова конструкциянинг стилистик вазифалари**” деб номланган иккинчи бобида бадиий тасвир воситаларининг иловали элементлар сифатида қўлланилиши, иловали элементларнинг стилистик

вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилиб, бадий асарларидан олинган кўп сонли мисоллар таҳлили асосида илова конструкциянинг асосий вазифалари очиб берилган.

Тилнинг бадий тасвир воситаларидан айримлари илова конструкция таркибида келиб, иловали элемент вазифасини бажариши мумкин. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Берилган ифоданинг маъносини тўлдириш. Ифоданинг маълум бир бўлаги кишилиқ олмоши тегишли синонимлари билан кўшимча қилиниб гапда такроран берилади ва гапдаги жойлашиш ўрни берилган бўлақдан кейин келиб, нуқта билан асосий гапдан ажратиб турилади:

“Wann sehen wir uns mal” fragte er. Nun tragen sie ihre erste Verabredung. Anfang der Woche. Montag. Um neun mit dem Fahrrad. (Bredel Willi. Die Söhne. S. 163)

Гапнинг маълум бўлаги гапнинг бошида махсус урғу билан ажратиб кўрсатилади ва ифоданинг давоми бошқа сўз ёки сўз бирикмалари билан охирига етказилади.

“Und dann gleich mit Panzern! Und die vom Western können rüberkommen. Bloß wir dürfen nicht nach drüben. Es geht wieder mal nur gegen uns. Immer gegen die armen Leute!” (Krupkat Gunter. Als die Götter starben. S. 47)

Илова қилиш ва бу вазиятда иловали элементларнинг алоҳида ўринда келиши билан тасвирланади. Уларнинг гап охирида келиши фикрлаш жараёнида юзага келадиган ҳолатларни узвийликда ёки тартибсиз ҳолда ўзидан кейинга қолдириб боради. Айрим матнларда гап қисмларининг бундай илова қилиниши муаллиф томонидан ифода қисмларини эътиборсизлик билан тасвирлашга ўхшаб кетади. Улар матн ва бадий асарларда улар оғзаки нутқдаги олдин айтиб ўтилган маълумотни конкретлаштириб, такрорлаб келади.

Гапнинг маълум бир бўлагини алоҳида кўрсатиб, унинг мазмун-моҳиятини изоҳлаб келувчи сўзлар билан конкретлаштириб фикрни ифодалаш мумкин ва у тилда нуқта билан ажратиблиб кўрсатилади.

Varkony zieht drei Tonbandbriefe aus der Tasche. “Vielleicht hätte ich ihm die Post gleich mitgeben sollen”.

“Post für die Erde?”

“An meine Frau und die Kinder”. (Elgers Paul. Jungfrau Johanna. S. 73)

Бу ерда асосий “ахборотни фаоллаштирувчи” сифатида гап бўлақларининг илова қилиниши нафақат нутқий бирликнинг лексик ва прагматик маъносини, балки маъно тузилишини денотатив маъно ва коммуникатив мақсадни ифодаловчи прагматик мазмун алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Иловали элементлар гап таркибида асосий ифодадан кейин жойлашган бўлиб, қарама-қарши маънони билдириб келиши мумкин. Бу нарса китобхоннинг содир бўлган ҳодисани тўлиқ тушуниб ва англаб етишига хизмат қилади. Бадий тасвирий воситаларини ҳар хил стилистик усуллар

ёрдамида қўлланилиб келишини қўйидаги мисолларда намоёиш қилиш мумкин:

Das Gesetz über den Vaterländischen Hilfsdienst hatte der Amtsrätin schon drei Dienstboten entrissen. Drei Mädchen, die jetzt irgendwo als Schwestern oder Dreherinnen arbeiten. (Bredel Willi. Erzählungen I. S. 147)

Ушбу мисолларда илова қилинган бўлақларнинг маъноси асосий ифоданинг маъносига қарама-қарши қўйилишини кузатамиз. Бу ҳолатларни келтирилган мисоллар таҳлилида кўрсатишимиз мумкин: иловали элементлар бир-бирига қарама-қарши маънода қўлланган. Бу мисолларда иловали элементларнинг қарама-қарши маънога эга бўлган сўз ва иборалар билан қўлланишини ҳам гувоҳи бўламиз. Иловали элементларнинг маъноси асосий ифодаларнинг маъно хусусиятларига эмас, балки иловали элементлардан бири иккинчисининг маъносига қарама-қарши қўйилади. Иккинчи мисолга эътибор қаратсак, маълум бўлақ – илова қилинган бўлақнинг биринчи қисми ва иккинчи қисмини тўлдиради. Мисолларда иловали элементлар бир-бирининг қарама-қарши маъноси билан ифодаланган.

Матнда баён этилаётган воқеани тингловчининг тўлиқ англаши учун уммумийликни конкретлаштириш воситаси иловали элемент ёрдамида воқеа-ҳодисанинг мазмун моҳияти янада тўлдирилган ва аниқлаштирилган ҳолда тасвирланади. Бу ҳолатда воқеани тасвирлашда иловали элементлар нутқда кенг қўламда қўлланиши мумкин.

Auch Wären sie alle in ganze Dorf, der Artikel wegen, sie hätten zur Sühne Frondienst befohlen bekommen. Beim Straßenbau. Zur Erntezeit. (Bredel Willi. Die Väter. S. 56)

Ушбу мисолларда иловали элементлар воситасида асосий ифоданинг мазмуни конкретлаштириш, аниқ маълумотлар берилмоқда.

Мисоллардаги кишиларнинг қариндошлиги, касб-ҳунарини аниқлаштириб, қўлланилган иловали элементлар умумийликни конкретлаштирувчи сифатида маълум стилистик вазифани бажариб келмоқда.

Иловали элементлар асосий ифоданинг маъносини ўзига хос бўлган сўзлар билан маъносини конкретлаштириб келиши мумкин. Ушбу сўзлар перифраз воситаси сифатида ифодаланади:

Ich sehe ein, daß während meiner Abwesenheit Dinge geschehen könnten, die die Person der gefangenen Jungfrau betreffen und Euch in Konflikt brächten zu meinen Wünschen und denen des Herzogs von Bedford und des Bischofs von Beau reis. Ihr sollt freie Hand haben. Unter gewissen Voraussetzungen. (Paul Elgers. Jungfrau Johanna. S. 277)

Иловали элементлар гап таркибида ўзлари маъносини конкретлаштираётган асосий ифодага ёки, баъзи ҳолатларда бутун гапнинг мазмунига такрор воситаси сифатида ифодаланиб келиши мумкин. Такрор усули ёрдамида ифодаланган иловали элемент бўлақ тасвирий восита

сифатида матн доирасида ҳар хил стилистик вазифаларни бажариб кела олади. Иловали элементларнинг такрор сўз, сўз бирикмаси шаклида матнда хилма-хил стилистик вазифаларни бажариб келишини изоҳлашдан олдин, тилшунос олимларнинг шу соҳа бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларини бу ерда келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз.

